

ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.04/05.05.2023.Tib.30.04 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ СТОМАТОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ

АРИПОВА МАФТУНА ХУРРАМОВНА

БАЧАДОН ОНКОЛОГИК ПАТОЛОГИЯЛАРИДАГИ
ДОРСОПАТИЯЛАР ТЕРАПИЯСИГА ДИФФЕРЕНЦИАЛ
ЁНДАШУВНИ ОПТИМАЛЛАШТИРИШ

14.00.13 – Неврология

ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОСТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

ТОШКЕНТ – 2025

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)

Contents of dissertation abstract of the doctor of philosophy (PhD)

Арипова Мафтуна Хуррамовна

Бачадон онкологик патологияларидаги дорсопатиялар терапиясига
дифференциал ёндашувни оптималлаштириш 3

Арипова Мафтуна Хуррамовна

Оптимизация дифференцированного подхода к терапии дорсопатий
при онкологической патологии матки 27

Aripova Maftuna Khurramovna

Optimization of a differentiated approach to the treatment of dorsopathies
in uterine cancer 53

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works 59

ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSс.04/05.05.2023.Tib.30.04 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ СТОМАТОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ

АРИПОВА МАФТУНА ХУРРАМОВНА

БАЧАДОН ОНКОЛОГИК ПАТОЛОГИЯЛАРИДАГИ
ДОРСОПАТИЯЛАР ТЕРАПИЯСИГА ДИФФЕРЕНЦИАЛ
ЁНДАШУВНИ ОПТИМАЛЛАШТИРИШ

14.00.13 – Неврология

ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОСТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

ТОШКЕНТ – 2025

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2022.2.PhD/Tib2463 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Тошкент давлат стоматология институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида (www.tma.uz) ва «ZiyoNet» Ахборот таълим порталида (www.ziyo.net) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:	Хайдаров Нодиржон Кадинович тиббиёт фанлари доктори, профессор
Расмий оппонентлар:	Рахматуллаева Гулнора Кутбитдиновна тиббиёт фанлари доктори, доцент Джурабекова Азиза Тохировна тиббиёт фанлари доктори, профессор
Етакчи ташкилот:	Абу Али Ибн Сино номидаги Бухоро давлат тиббиёт институти

Диссертация ҳимояси Тошкент тиббиёт академияси ҳузуридаги DSc.04/05.05.2023.Tib.30.04 рақамли Илмий кенгашнинг 2025 йил «___» _____ соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100109, Тошкент ш., Олмазор тумани, Фаробий кўчаси, 2-уй, Тошкент тиббиёт академиясининг 10-ўқув биноси, 1-қават. Тел./факс: (+99871) 150-78-28, e-mail: info@tma.uz).

Диссертация билан Тошкент тиббиёт академиясининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (_____ рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100109, Тошкент шаҳри, Олмазор тумани Фаробий кўчаси 2-уй; Тошкент тиббиёт академиясининг 2-ўқув биноси «Б» корпуси, 1-қават, 7-хона. Тел.: (+99871) 214-82-90, e-mail: info@tma.uz).

Диссертация автореферати 2025 йил «___» _____ да тарқатилди.
(2025 йил «___» _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси).

Р.Ж. Матмуродов

Илмий даража берувчи илмий кенгаш раиси,
тиббиёт фанлари доктори, доцент

Р.Б. Азизова

Илмий даража берувчи илмий кенгаш илмий
котиби, тиббиёт фанлари доктори, доцент

Д.К. Ҳайдарова

Илмий даража берувчи илмий кенгаш
қошидаги бир марталик илмий семинар раиси,
тиббиёт фанлари доктори, профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва талаб юқорилиги. Бутун дунёда, одамлар орасида бел оғриғи жамиятнинг энг мухим муаммоларидан биридир¹. 2020 йилда дунёда 619 миллион одам белнинг пастки қисмидаги (бел соҳасидаги) оғриқдан азият чеккан бўлса, 2050 йилга келиб, асосан аҳоли сонининг ўсиши ва қариши натижасида, бу кўрсаткич 843 миллион кишига етиши прогноз қилинмоқда². 30-45 ёшдаги одамлар орасида бел оғриғи меҳнатга лаёқатсизликнинг энг кўп учрайдиган сабабларидан бири бўлиб, шу билан бирга, беморларнинг атиги 40 фоизи шифокорга мурожаат қилади. Шунингдек, маълумки, беморларнинг учдан бир қисмида ўткир оғриқ кейинчалик сурункали оғриққа айланиб, 12 ҳафтадан ортиқ давом этади. Бел оғриғининг энг кўп учрайдиган сабаби дорсопатиялардир. Дорсопатиялар – бу суяк-мушак тизими ва бирлаштирувчи тўқималарнинг касалликлари гуруҳи бўлиб, уларнинг асосий симптомлар мажмуаси тана ва аъзолар (қўл-оёқ)даги оғриқдан иборатдир.

Жаҳонда сўнгги йилларда белнинг пастки қисмидаги оғриқ кенг тарқалган клиник муаммо бўлиб, у турли этиология ва патогенезга эга бўлган касалликларда учраши мумкин ва кўпинча турли дорсопатиялар ниқоби остида намоён бўлади. Гарчи бундай оғриқ кўпинча умуртқа поғонасидаги дегенератив-дистрофик ўзгаришлар ва миофасциал синдромлар билан боғлиқ бўлса-да, шунга ўхшаш клиник кўринишларни келтириб чиқарувчи бошқа бир қатор патологиялар мавжуд. Айниқса, умуртқа поғонасининг бирламчи ва иккиламчи хусусиятга эга онкологик касалликлари диққатга сазовор бўлиб, улар одатдаги дорсопатияларга ўхшаш симптомлар билан намоён бўлиши мумкин. Бундай касалликлар махсус диагностик эҳтиёткорликни ва бутунлай бошқа терапевтик ёндашувларни талаб қилади. Шифокорларнинг онкологик жароҳатланиш имконияти ҳақидаги маълумотсизлиги, шунингдек, диспансеризация ва профилактик текширувлар даражасининг етарли эмаслиги бу патологияларнинг кеч аниқланишига олиб келади.

Мамлакатимизда бугунги кунда аҳолига кўрсатилаётган тиббий ёрдам кўлами кенгайтирилмоқда, хусусан, аёлларнинг онкологик касалликлари, жумладан, бачадон онкологик касалликларини ташхислаш ва даволаш сифатини оширишда ижобий натижаларга эришилди. Бу борада 2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясининг етти устивор йўналишига мувофиқ аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш даражасини янги босқичга кўтаришда «...мамлакатимизда аҳолига кўрсатилаётган ихтисослаштирилган тиббий ёрдам сифатини янада ошириш, шошилинч тиббий ёрдам тизимини ислох қилиш, ногиронликнинг олдини олиш...» каби вазифалар белгиланган.

Ўзбекистон Республикасида шу мақсадда аёлларда бачадон онкологик патологияси билан боғлиқ дорсопатияларни ташхислаш ва даволаш

¹ ЖССТ бюллетени “Белнинг пастки қисмидаги оғриқ” 19.06.2023 <https://www.who.int/ru/news-room/fact-sheets/detail/low-back-pain>

² GBD 2021 Low Back Pain Collaborators. Global, regional, and national burden of low back pain, 1990-2020, its attributable risk factors, and projections to 2050: a systematic analysis of the Global Burden of Disease Study 2021. *Lancet Rheumatol* 2023; 5: e316-29.

натижаларини яхшилаш долзарб муаммолардан бири бўлиб, бу илмий ва амалий жиҳатдан катта аҳамиятга эга.

Ушбу диссертация тадқиқоти 2017 йил 7 февралдаги №ПФ-4947 «Ўзбекистон Республикасининг 2017-2021 йилларда янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида», 2018 йил 7 декабрдаги №ПФ-5590 «Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисида», 2018 йил 30 августдаги №ПҚ-3925 «Аҳолига неврологик ёрдамни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» фармонлари, 2017 йил 20 июндаги №ПҚ-3071 «Ўзбекистон Республикаси аҳолисига ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатишни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида (2017-2021 йиллар)», 2024 йил 22 ноябрдаги №ПҚ-402 «Аёллар ўртасида онкологик касалликларни назорат қилиш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» қарорларида белгиланган вазифаларни муайян даражада ҳал қилишга хизмат қилади, шунингдек, ушбу соҳада қабул қилинган бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга мувофиқдир.

Тадқиқотнинг республикамизда илм-фан ва технологияларни ривожлантиришнинг устувор йўналишларига мувофиқлиги. Ушбу тадқиқот Ўзбекистон Республикасида илм-фан ва технологияларни ривожлантиришнинг VI устувор йўналиши «Тиббиёт ва фармакология» га мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Замонавий тиббий илм ривожланишнинг ҳозирги босқичида аҳолини профилактик скрининг ва диспансеризация дастурининг самарадорлиги пасайиши билан хусусиятланади вертеброневрология соҳаси мутахассисларининг кундалик клиник амалиётида онкологик патологияга чалинган беморлар сонининг ортиб бораётгани қайд этилмоқда (Солопова А. ва бошқ., 2018). Бел оғриғининг сурункали оғриқ синдроми (БСОС) шаклида намоён бўладиган 90 дан ортиқ нозологик шакллар мавжудлиги маълум (Радзинская Е.В. ва бошқ., 2020; Ivan U. et al., 2019). Бел соҳасидаги оғриқларнинг этиопатогенезига оид замонавий тадқиқотлар таҳлили шуни кўрсатадики, патологик афферент импульсация манбалари миофасциал тузилмалар (мушаклар, фасциялар), пайлар, мушак-боғлам комплекси, бугим қоғи ва қон томирлари бўлиши мумкин, аммо ички суяк тузилмалари бундан мустасно (Агсарова Л.Г. ва бошқ., 2017). Шу билан бирга, клиник амалиётда «остеохондроз» ташхиси кўпинча ички аъзолар касалликлари, хусусан, онкологик патологияларнинг кам ташхисланишига сабаб бўлади. Бу эса ташхис хатолари хавфини оширади, ташхиснинг кеч қўйилишига олиб келади ва натижада прогнознинг ёмонлашиши, жумладан, ўлим хавфининг ортишига сабаб бўлади.

Умуртқа поғонасида локаллашган оғриқ синдроми исталган жойдаги ёмон сифатли ўсма касаллигининг биринчи клиник кўриниши бўлиши мумкин. Бу оғриқ доимий бўлиб, кечаси кучайиши ва дам олишда енгиллашмаслиги билан ажралиб туради. Илдизчали синдроми ривожланганда оғриқ барқарор, даволашга чидамли хусусиятга эга бўлиб, одатда оёқ-қўлларга (оёққа, елкага) тарқалади ва яққол неврологик симптомлар пайдо бўлишидан олдин содир бўлади. Мотор дефицит ва тос аъзолари функциясининг бузилиши оғир аҳвол ҳисобланади, бу умуртқа

ичининг тузилмаларининг компрессион зарарланишини кўрсатади ва ноқулай прогноз белгисидир. Ўсма ташхиси қўйилгандан сўнг, умуртқа поғонасининг метастатик зарарланиши натижасида умуртқа ичининг компрессиеси ривожланишининг ўртача даври тахминан тўрт йилни ташкил қилади (Hooker A.B. ва бошқ., 2013; Мартыш В.В. ва бошқ., 2015; Кулага В.А. ва бошқ., 2018).

Кундалик амалиётда вертеброневрологлар кўпроқ ички аъзоларнинг биринчи ўсма касаллигида умуртқа поғонаси ва бошқа суяк тузилмаларининг иккиламчи (метастатик) зарарланишини кузатадилар. Метастатик ўчоқлар кўпинча тос суяклари, йирик буғимлар, умуртқа поғонасининг рентгенографияси, кўкрак қафасининг флюорографияси ёки қорин бўшлиғи аъзоларининг контрастли компьютер томографияси каби режадаги текширувларда тасодифан аниқланади. Метастатик жараённинг эрта босқичларида рентгенологик ташхис қийин, чунки суяк моддасининг 40–50% дан ортиқ йўқолгандагина зарарланишни кўриш мумкин. Баъзида умуртқа поғонасининг метастатик зарарланиши симптомсиз кечади ва фақат назорат рентгенотомографияси ёки бошқа инструментал визуализация усуллари орқали аниқланади (Hooker A.B. ва бошқ., 2013; Чухловина М.Л. ва бошқ., 2017; Винокуров А.С. ва бошқ., 2019).

Сўнгги йилларда дорсалгия патогенезига оид анъанавий назарий қарашлар қайта кўриб чиқилди. Кўплаб муаллифлар «умуртқа поғонаси остеохондрозининг неврологик синдромлари» терминининг ҳаддан ташқари кенг қўлланилишига шубҳа билдирмоқда (Левит К. ва бошқ., 2013; Алтунбаев Р.А. ва бошқ., 2016). Умуртқа поғонасининг дегенератив ўзгаришларида нерв тузилмаларининг компрессиесининг аҳамиятини ҳеч ким инкор этмасида, муамманинг бошқа томони – мушак-бойлам ва фасциал аппарат ишининг бузилишига кўпроқ эътибор қаратилмоқда. Кўплаб тадқиқотчиларнинг фикрича, бу бузилишлар ички аъзолардан келиб чиқадиган патологик проприоцептив фаоллик фониди ривожланади (Богачева Л.А. ва бошқ., 2019; Иваничев Г.А., 2017; Bailey & Dick, 2012). Бундан ташқари, сурункали оғрик синдроми психологик дистрессни кўзгатиши мумкин, бу интероцепция бузилишларини кучайтиради ва марказий регулятор механизмларнинг мувофиқлашувини бузади, натижада патологик жараённинг ривожланишига ёрдам беради (Taenzer ва бошқ., 2016).

Бир қатор тадқиқотларда аёллар репродуктив тизими касалликлари, хусусан, бачадон ўсмалари мавжуд бўлганда дорсопатиялар ривожланиш механизмлари батафсил таҳлил қилинган (Водопьянов Н.П., 2019; Терешкина Е.И., 2020). Баъзи муаллифларнинг фикрича, бачадоннинг ўсма касалликлари кўпинча организмнинг адаптация-компенсатор реакциялари бузилган беморларда шаклланади, бу эса бир вақтнинг ўзида дорсалгик синдромларнинг пайдо бўлиши ва кейинчалик намоён бўлиши учун замин яратади (Mallow et al., 2011; Rudy et al., 2016). Шу билан бирга, бачадоннинг онкологик зарарланишида дорсопатияларнинг клиник манзараси хусусиятларини ўрганишга, шунингдек, патогенетик асосланган даволаш дастурининг жорий қилиниши натижаларига бағишланган комплекс тадқиқотлар мавжуд адабиётларда учрамайди

Мамлакатимизда, бугунги кунда аёлларда бачадон онкологик патологияси билан боғлиқ Хайдаров Н.К., Панжиева Н.Н.тадқиқ қилишган,

тадқиқот натижаларига кўра платина ва таксан гуруҳидаги нейротоксик препаратлар билан даволанаётган тухумдон саратонига чалинган беморларда кимётерапиядан сўнг ривожланган полинейропатияни даволаш мақсадида комбинацияланган терапиянинг самарадорлигини баҳолаш ўрганилган, бироқ, аёлларда бачадон онкологик патологияси билан боғлиқ дорсопатияларни ташхислаш ва даволаш натижаларини яхшилаш такомиллаштирилмаган.

Хулоса сифатида шуни таъкидлаш керакки, дорсопатияни ўрганишдаги сезиларли ютуқларга қарамай, эрта ташхис қўйиш ва дорсопатия билан оғриган бачадон саратони билан оғриган беморларни даволаш натижаларини яхшилаш учун самарали терапевтик усулларни ишлаб чиқиш билан боғлиқ ҳал қилинмаган муаммолар мавжуд. Замонавий тадқиқотлар дорсопатиянинг тарқалиши ва ривожланиш механизмлари ҳақида кенг маълумот беради, аммо самарали терапевтик ёндашувларни ишлаб чиқиш ва бачадон саратони патологияси бўлган беморларнинг ҳаёт сифатини яхшилаш долзарб ва муҳим вазифалар бўлиб қолмоқда.

Диссертация мавзусининг олий таълим муассасасидаги илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги. Мавзу Тошкент давлат стоматология институтининг №011900252 “Неврологик касалликларга чалинган беморларни ташхислаш, даволаш ва реабилитация қилиш усулларини такомиллаштириш (2021-2024 йй.)” илмий лойиҳаси доирасида ва илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади бачадон ўсмалари бўлган аёлларда дорсопатияларнинг дифференциал даволаш тактикасини оптималлаштиришдан иборат.

Тадқиқот вазифалари:

бачадоннинг онкологик касалликлари фонида юзага келадиган дорсопатияларнинг клиник кўринишлари хусусиятларини баҳолаш;

бачадоннинг онкологик патологиясида дорсопатияларнинг дифференциал ташхис мезонларини аниқлаш мақсадида оғриқ синдромининг клинко-неврологик таҳлилини ўтказиш;

бачадоннинг онкологик патологияси билан бирга дорсопатияга чалинган беморларда психоэмоционал бузилишларнинг клиник-неврологик таҳлилини ўтказиш ва уларнинг ҳаёт сифатини баҳолаш;

бачадоннинг онкологик патологияси билан бирга дорсопатияга чалинган беморлар учун стандарт даволаш ва тикланиш дастурини ишлаб чиқиш, уларнинг самарадорлигини баҳолаш.

Тадқиқот объекти сифатида 2022–2024 йиллар давомида Тошкент шаҳар филиали Республика ихтисослаштирилган онкология ва радиология илмий-амалий тиббиёт маркази (РИОРИАТМ), Тошкент тиббиёт академиясининг кўп тармоқли клиникаси (ТТАКТК) ва АКФА Medline (АМ) тиббий маркази бўлимларида стационар даволашдан ўтган, дорсопатия ва онкогинекологик патологияга чалинган 127 нафар бемор аёл ҳамда онкогинекологик патологиясиз дорсопатияга чалинган 40 нафар бемор аёл олинган.

Тадқиқотнинг предмети неврологик текширув натижалари, нейрпсихологик ва нурли усуллар билан олинган маълумотлар ташкил этади.

Тадқиқот усуллари. Тадқиқот ишида клиник маълумотлар, анамнез, неврологик текширув, оғриқ синдромини ўрганиш (ВАШ шкаласи, Мак-Гилл шкаласи), нейрпсихологик текширувлар (Спилберга шкаласи, Бек шкаласи), вегетатив нерв тизимини ўрганиш (Вейн сўрвномаси), нейровизуализация текширувлари (рентгенография, КТ, МРТ) ва статистик тадқиқот усуллари қўлланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

бачадоннинг онкологик патологияси билан бирга дорсопатияга чалинган бемор аёлларнинг клиник-неврологик хусусиятлари ўрганилиши асосида оғриқ синдромининг кечиш хусусиятлари, вегетатив дисфункция даражаси ва хавотир-депрессив бузилишларнинг даражаси аниқланган;

дорсопатия ва онкогинекологик патологияга чалинган аёлларнинг психоэмоционал ҳолати ва ҳаёт сифати замонавий шкалалар ва сўрвномалар (SF-36, Спилберг-Ханин, Бек ва бошқ.) ёрдамида комплекс оғриқ синдромининг ҳаёт сифати ва психик саломатликка салбий таъсирининг даражаси аниқланган;

бачадоннинг онкологик патологияси билан бирга дорсопатияларни даволашда сурункали оғриқнинг турли патогенетик бўғинларига ва ҳамроҳ бўлган психо-вегетатив бузилишларга комплекс таъсир кўрсатувчи дифференциал ёндашув илмий асосланган;

дорсопатияни даволашнинг анъанавий маълум бир терапевтик алгоритмни клиник амалиётга жорий этиш ҳаёт сифати кўрсаткичлари сезиларли яхшиланиши, оғриқ синдромининг даражаси, хавотир ва депрессия кўринишларининг камайиши, шунингдек бачадоннинг онкологик касалликлари билан бирга дорсопатияга чалинган беморларда вегетатив дисфункция кўринишлари тузалиши исботланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

бачадоннинг онкологик патологияси билан бирга дорсопатияга чалинган бемор аёлларнинг аҳволини баҳолаш учун асосий ташхис критериялари аниқланди, улар оғриқ синдромини мажбурий таҳлил қилиш, А.М. Вейн бўйича вегетатив ҳолатни баҳолаш, шунингдек, Спилберга-Ханин ва Бек шкалалари бўйича хавотирлик ва депрессия даражасини аниқлаш эришилган;

ностероид яллиғланишга қарши дорилар (диклофенак, кетопрофен), анксиолитиклар (алимемазин) ва антиконвульсантлар (габапентин)ни ўз ичига олган аниқ терапевтик схема таклиф қилинди ва унинг самарадорлиги тасдиқланди. Бу схема оғриқнинг даражасини сезиларли камайтириш, психоэмоционал ҳолатни яхшилаш, вегетатив ҳолатни нормаллаштириш ва бачадоннинг онкогинекологик касалликлари билан бирга дорсопатияга чалинган бемор аёлларнинг ҳаёт сифатини ошириш имкони яратилган;

бачадоннинг онкологик патологияси билан бирга дорсопатияга чалинган бемор аёлларни даволашда индивидуал клиник хусусиятлар, психоэмоционал ва вегетатив бузилишларнинг даражасини ҳисобга олувчи дифференциал ёндашувни клиник амалиётга жорий қилиш тавсия этилди. Бу даволаш жараёнини оптималлаштириш ва беморларнинг терапевтик тадбирлардан қониқиб даражасини ишончли ошириш имкони яратилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги замонавий, бир-бирини тўлдирувчи ва тўғри бажарилган клиник, инструментал, нейрпсихологик,

нейрофизиологик, нейровизуализация ва статистик усулларни қўллаш, етарлича текширилган беморлар сони, илмий тадқиқот натижаларини юртимиз ва халқаро тадқиқотчилар тажрибаси билан солиштириш, бачадоннинг онкологик ва гинекологик патологияси фонида аёлларда оғриқ синдромлари кечишини ўрганиш соҳасидаги тажриба, шунингдек, хулосалар ва олинган натижаларни ваколатли органлар томонидан тасдиқланиши билан тасдиқланган.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.

Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти олинган хулосалар ва таклифлар бачадоннинг онкологик патологияси билан бирга дорсопатиялар ривожланишининг патогенетик механизмлари тўғрисидаги тасаввурларни кенгайтиришда назарий аҳамиятга эга. Тадқиқот биринчи марта ушбу гуруҳ беморларнинг клиник-неврологик, психоэмоционал ва вегетатив хусусиятларини батафсил тавсифлайди, оғриқ синдромининг кўп омилли хусусиятини ва унинг давомийлигида психоген омилларнинг ролини асослайди. Бу мавжуд илмий тасаввурларни сезиларли тўлдиради ва дорсопатияларни ташхислаш ва даволаш соҳасида кейинги илмий ишланмалар учун асос бўлиши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти таклиф қилинган ташхис критериялари ва бачадоннинг онкологик патологияси билан бирга дорсопатияларни даволашда ишлаб чиқилган дифференциал ёндашув ушбу тоифадаги беморларга тиббий ёрдам самарадорлигини сезиларли ошириш имконини беришидадир. Марказий таъсирга эга дориларни базавий терапевтик усуллар билан бирга қўллашга асосланган таклиф қилинган даволаш схемаларидан фойдаланиш нафақат оғриқ синдромининг интенсивлигини камайтириш, балки психоэмоционал ҳолатни яхшилаш, вегетатив функцияни нормаллаштириш ва ҳаёт сифатини оширишга ҳам ёрдам беради. Олинган натижалар онкологик ва неврологик профилдаги даволаш муассасаларининг кундалик клиник амалиётида муваффақиятли эканлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш.

Бачадоннинг онкологик патологиясида дорсопатияларни даволашга дифферентсиал ёндашувни оптималлаштириш бўйича тадқиқотнинг олинган илмий натижаларига асосланиб:

биринчи илмий янгилик: биринчи марта бачадоннинг онкологик патологияси боълган беморларда дорсопатияларнинг кенг қамровли клиник ва неврологик таҳлили ўтказилди, оғриқ синдромининг илгари тавсифланмаган хусусиятлари, вегетатив дисфунксияларнинг зўравонлик даражаси ва анксиете-депрессив касалликлар аниқланди, бу беморларнинг ушбу касалликнинг патогенези ҳақида замонавий тушунчаларини кенгайтиради. Олинган маълумотлар асосида куйидаги услубий тавсиялар ишлаб чиқилди ва амалга оширилди: “Бачадоннинг онкологик патологиясида дорсопатияларнинг клиник ва неврологик таҳлили” (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2024 йил 2 августдаги 01-р / 29-сонли гувоҳномаси) ва “Бачадон патологияси бўйича беморларни даволаш ва реабилитация қилиш дастури алгоритми”. (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2024 йил 2 августдаги 01-р / 30-сонли гувоҳномаси), шу жумладан VAS, Spielberger, SF-36, Вена

шкалаларидан фойдаланган ҳолда диагностика ва терапияга стандартлаштирилган ёндашув, шунингдек, МРИ маълумотларига асосланган объектив баҳолаш. *Ижтимоий самарадорлик:* оғриқ синдроми, анксиете-депрессив ва вегетатив касалликларга кенг қамровли таъсир беморларнинг онкологик даволанишга мослашишини яхшилади, уларнинг жисмоний фаоллигини, уйқу сифатини ва психоэмоционал ҳолатини оширади. *Иқтисодий самарадорлик:* такомиллаштирилган диагностика-терапевтик моделни жорий этиш натижасида мутахассисларга режадан ташқари мурожаатлар сонини камайтириш мумкин бўлди, бу эса бир курс даволаш нархини ўртача 3 600 000 сўмга камайтириш имконини берди. *Хулоса:* бачадоннинг онкологик патологияси бўлган беморларда дорсопатияларни ташхислаш ва даволашда ушбу илмий янгиликдан фойдаланиш тиббий ёрдам самарадорлигини ошириш, терапияга индивидуал ёндашувни таъминлаш ва соғлиқни сақлаш тизимига иқтисодий юкни камайтириш билан бирга клиник ва функционал натижаларни яхшилаш имконини берди;

иккинчи илмий янгилик: тасдиқланган шкалалар (SF-36, Спилберг-Ханин, Бек ва бошқалар) ёрдамида бачадоннинг онкологик патологияси фонида дорсопатия билан оғриган беморларнинг психоэмоционал ҳолати ва ҳаёт сифатини баҳолашга комплекс ёндашув таклиф қилинган ва илмий асосланган. Биринчи марта оғриқ синдромининг интенсивлиги ва ташвиш, депрессия даражаси, шунингдек ҳаёт сифатининг пасайиши даражаси ўртасида микдорий боғлиқлик ўрнатилди, бу тос аъзоларининг онкопатологиясида дорсопатияларнинг мултидисциплинар табиатини тушунишни кенгайтиради. Олинган натижалар “Бачадоннинг онкологик патологиясида дорсопатияларнинг клиник ва неврологик таҳлили” (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2024 йил 2 августдаги 01-р / 29-сонли гувоҳномаси) ва “Бачадоннинг онкологик патологияси бўлган беморларни даволаш ва реабилитация дастури алгоритми” услубий тавсиялари таркибига киритилган. (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2024 йил 2 августдаги 01-р / 30-сонли гувоҳномаси). Ишлаб чиқилган тавсиялар Республика ихтисослаштирилган онкология ва радиология илмий-амалий тиббиёт маркази Жиззах ва Қашқадарё вилоят филиалларининг амалий фаолиятига татбиқ этилди (15.01.2025 йилдаги 311-сон ва 17.01.2025 йилдаги 27-сон буйруқлари). *Ижтимоий самарадорлик:* кенг қамровли психо-эмоционал баҳолашни жорий этиш ташвиш ва депрессив касалликларни ўз вақтида аниқлаш, индивидуал психологик ёрдам дастурларини ишлаб чиқиш ва беморларнинг асосий касалликка мослашишини яхшилаш имконини берди. Бу сурункали оғриқ синдроми зўравонлигининг пасайишига ва онкогинекологик патология фонида дорсопатия билан оғриган аёлларнинг ҳаёт сифатининг сезиларли даражада яхшиланишига ёрдам берди. *Иқтисодий самарадорлик:* таклиф этилаётган ёндашувнинг амалга оширилиши психологик тузатиш йўналишини оптималлаштириш, стационар даволаниш муддатини қисқартириш ва мутахассисларга мурожаат қилиш частотасини камайтириш имконини берди, бу эса ҳар бир бемор учун ҳар бир терапия курсига ўртача 2176 минг сўмгача бюджет ва бюджетдан ташқари маблағларни тежашни таъминлади. *Хулоса:* ушбу илмий инновациядан фойдаланиш биринчи марта дорсопатияларнинг бачадон саратони билан оғриган беморларнинг психоэмоционал ҳолатига

таъсирини обективлаштиришга, диагностика ва тузатишнинг яхлит моделини шакллантиришга, тиббий ёрдам нарҳини камайтириш билан бирга клиник, функционал ва психосоциал даволаш натижаларини яхшилашга имкон берди;

учинчи илмий янгилик: биринчи марта бачадоннинг онкологик патологияси бўлган беморларда дорсопатияларни комплекс даволашда марказий таъсир кўрсатадиган дорилар - антидепрессантлар, анксиолитиклар ва антиконвулсантларни киритишнинг юқори клиник самарадорлиги исботланган. Олинган маълумотлар клиник кўрсаткичларнинг ишончли яхшиланишини кўрсатади, шу жумладан оғриқ синдромининг зўравонлиги, ташвиш даражаси, депрессия ва автоном дисфункция белгилари. Ишлаб чиқилган даволаш режимлари “Бачадоннинг онкологик патологиясида дорсопатияларнинг клиник ва неврологик таҳлили” (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2024 йил 2 августдаги 01-р/29-сонли гувоҳномаси) ва “Бачадон патологияси билан оғриган беморларни даволаш ва реабилитация дастури алгоритми” услубий тавсиялари билан тўлдирилди. (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2024 йил 2 августдаги 01-р / 30-сонли гувоҳномаси). Таклиф этилаётган даволаш режимлари 2025 йил 15 январдаги 311-сон ва 2025-йил 17 январдаги 27-сонли буйруқлари асосида Республика ихтисослаштирилган онкология ва радиология илмий-амалий тиббиёт маркази Жиззах ва Қашқадарё вилоят филиалларининг амалий фаолиятига жорий этилган.

Ижтимоий самарадорлик: комплекс дори-дармонларни даволаш оғриқни тезда йўқотишга, ташвиш ва депрессив касалликларни тузатишга, асосий онкологик касалликка мослашишни яхшилашга ва даволашнинг барча босқичларида - ихтисослаштирилган терапиядан реабилитациягача бўлган беморларнинг ҳаёт сифатини оширишга имкон берди. *Иқтисодий самарадорлик:* даволаш режимларини оптималлаштириш касалхонада қолиш муддатини қисқартириш ва алевленме частотасини камайтириш имконини берди, бу эса кўшимча диагностика ва терапевтик тадбирлар учун харажатларни камайтиришга олиб келди. Амалга оширишнинг иқтисодий самараси ҳар бир беморга бир курс даволаш учун ўртача 272 минг сўмни ташкил этди. *Хулоса:* бачадоннинг онкологик касалликларида дорсопатияларни комплекс даволашда марказий таъсир кўрсатадиган дориларни қўллаш ҳам клиник, ҳам иқтисодий нуқтаи назардан оқланади. Бу ҳаёт сифатини яхшилаш, оғриқ ва аффектив синдромларнинг оғирлигини камайтириш ва ушбу коморбид патологияни бошқариш учун янги терапевтик стандартни шакллантириш имконини беради;

тўртинчи илмий янгилик: сурункали оғриқ синдромининг асосий патогенетик механизмларига, шунингдек, бирга келадиган психоэмоционал ва вегетатив касалликларга ҳар томонлама таъсир кўрсатадиган бачадоннинг онкологик патологияси бўлган беморларда дорсопатияларни даволашнинг табақалаштирилган терапевтик алгоритми ишлаб чиқилган ва илмий асосланган. Биринчи марта ушбу тоифадаги беморларни тизимли ва шахсийлаштирилган бошқаришни таъминлайдиган тизимли ёндашув таклиф қилинди. Алгоритм “Бачадоннинг онкологик патологиясида дорсопатияларни клиник ва неврологик таҳлил қилиш” (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2024 йил 2 августдаги 01-р / 29-сонли гувоҳномаси) ва “Бачадон патологияси билан оғриган беморларни даволаш ва тиклаш дастурининг алгоритми” услубий

тавсиялари таркибига киритилган. (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2024 йил 2 августдаги 01-р / 30-сонли гувоҳномаси). Таклиф этилган алгоритм Республика ихтисослаштирилган онкология ва радиология илмий-амалий тиббиёт маркази Жиззах ва Қашқадарё вилоят филиалларининг амалий фаолиятига татбиқ этилди (15.01.2025 йилдаги 311-сон ва 17.01.2025 йил 27-сон буйруқлари). *Ижтимоий самарадорлик:* Тизимли терапевтик ёндашувни амалга ошириш оғриқ синдромининг зўравонлигини ишончли тарзда камайтиришга, сурункали оғриқли хатти-ҳаракатларнинг шаклланишига йўл қўймасликка, анксиете-депрессив ва автоном касалликларни тузатишга имкон берди. Бу беморларнинг функционал ҳолатини яхшилашга, ўз-ўзини парвариш қилиш даражасини оширишга ва ногиронлик хавфини камайтиришга ёрдам берди. *Иқтисодий самарадорлик:* Таклиф этилган терапия алгоритмидан фойдаланиш даволаниш муддатини қисқартиришни, алевленме частотасини камайтиришни ва қиммат ёрдамчи аралашувларга бўлган эҳтиёжни таъминлади. Ҳар бир беморга ўртача харажат иқтисод қилиш ҳар бир курс учун 2 176 000 сўмдан 3 600 000 сўмгача бўлган. *Хулоса:* бачадоннинг онкологик патологияси бўлган беморларнинг соматоневрологик ва психовегетатив хусусиятларини ҳисобга оладиган табақалаштирилган терапевтик алгоритмни жорий этиш даволашнинг клиник самарадорлигини сезиларли даражада ошириш, ҳаёт сифатини яхшилаш ва мураккаб коморбид патологияни даволашда шахсийлаштирилган ёндашувларни стандартлаштириш учун асос яратиш имконини берди.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари 4 та илмий-амалий анжуманда, жумладан 2 та халқаро ва 2 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 15 та илмий иш чоп этилган бўлиб, шулардан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини нашр этиш тавсия этилган илмий нашрларда 6 та мақола, жумладан, 5 таси республика ва 1 таси хорижий журналларда чоп этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми: Диссертация кириш, 4 та боб, хотима, хулосалар, амалий тавсиялар ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертация ҳажми 118 саҳифани ташкил қилади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация ишининг долзарблиги ва талаб даражаси асосланди, мақсад ва вазифалар шакллантирилди, тадқиқот объекти ва предмети кўрсатилди, тадқиқотнинг Ўзбекистон Республикасида илм-фан ва технологиялар ривожланишининг устувор йўналишларига мувофиқлиги кўрсатилди, илмий янгилик ва натижаларнинг илмий-амалий аҳамияти изоҳланди, олинган натижаларнинг ишончилиги асосланди. Шунингдек, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий этиш, апробация ва иш натижаларининг чоп этилиши, диссертация тузилиши тўғрисида маълумотлар келтирилган.


Диссертациянинг «Дорсопатиялар тўғрисида замонавий тасаввурлар (адабиётлар шарҳи)» деб номланган биринчи бобида дорсопатияларнинг клиникаси, диагностикаси ва даволаш усулларига оид замонавий адабиёт манбалари кўриб чиқилди ва таҳлил қилинди. Бачадон касалликлари тузилисидаги дорсопатияларнинг хусусиятлари ва уларни даволаш усулларига алоҳида эътибор қаратилди.

Диссертациянинг «Бачадон ўсмалари бўлган аёлларда дорсопатияларнинг дифференциал даволаш тактикаси тадқиқот усуллари умумий хусусиятлари» деб номланган иккинчи бобида тадқиқот материаллари ва усуллари тасвирланди. Тадқиқот асосига 2021–2024 йиллар давомида Тошкент шаҳар филиали Республика ихтисослаштирилган онкология ва радиология илмий-амалий тиббиёт маркази (РИОРИАТМ), Тошкент тиббиёт академияси кўп тармоқли клиникаси (ТТАКТК) ва АКФА Medline (АМ) тиббий марказида стационар даволашдан ўтган, 25 дан 75 ёшгача бўлган 127 нафар бачадон онкологик патологияси бўлган аёлларнинг текширув маълумотлари қўйилди.

Диагноз тиббий хужжатларга кўра анамнез маълумотлари таҳлили, неврологик статус ва нейровизуализация усуллари натижалари асосида қўйилди. Жами 127 нафар дорсопатия ва онкогинекологик патологияси бўлган бемор, ёши 25 дан 75 гача, ўртача ёш – $47,0 \pm 13,5$ (95% ДИ: 44,6–49,4) йил, икки гуруҳга бўлинди:

Асосий гуруҳда бачадон танаси ва бачадон бўйни раки бўлган 56 (44,1%) аёл; Таққослаш гуруҳида гинекологик касалликлар бўлган 71 (55,9%) аёл.

Назорат гуруҳида гинекологик анамнези оғирлашмаган, ёшига мувофиқ дорсопатияси бўлган 40 аёл.



1-расм. Текширилган беморларнинг ёш хусусиятлари

Ёшни таққослашда (1-расм) асосий гуруҳдаги беморлар таққослаш гуруҳи ($p < 0,001$) ва назорат гуруҳига ($p = 0,006$) нисбатан сезиларли даражада катта ёшда эканлиги кўринди. Онкологик патология асосан 40 ёшдан кейин, хусусан 60 ёшдан сўнг (41,1%) учради. Гинекологик патологияси бўлган беморлар асосан 50 ёшгача, хусусан 41–50 ёш оралиғида (36,6%) эди. Анамнези оғирлашмаган бел оғриғи эса кўпроқ 41–50 ёшдаги аёлларда учради.

Оғриқ синдромини объектив баҳолаш визуал аналог шкаласи (ВАШ) ва Douleur Neuropathique 4 Questions (DN4) нейропатик оғриқ шкаласи ёрдамида амалга оширилди. Жисмоний фаолликни объектив баҳолаш учун ECOG (Eastern Cooperative Oncology Group) томонидан таклиф этилган 5 баллик шкала қўлланилди. Уйқунинг субъектив хусусиятларини баҳолаш учун Я.И.Левин томонидан таклиф қилинган ярим миқдорли балл шкаласи қўлланилди. Вегетатив нерв системаси ҳолатини баҳолашда икки усулдан фойдаланилди: вегетатив реактивликни ўрганиш ва Вейн анкетаси. Хавотирлик даражасини баҳолаш учун Спилбергер–Ханин шкаласи, депрессия даражасини аниқлаш учун Бек шкаласи қўлланилди. Ҳаёт сифатини баҳолаш SF-36 (Short Form-36 Health Survey) анкета ёрдамида амалга оширилди. Бел-умуртқалари соҳасини КТ ёки МРТ, баъзи беморларда спондилография текширувлари ўтказилди.

Даволаш тадбирларининг самарадорлигини таққослаш учун барча беморлар икки гуруҳга бўлинди: I гуруҳ: асосий касалликнинг базавий давоси ва стандарт оғриқ қолдирувчи яллиғланишга қарши терапия олган беморлар; II гуруҳ: комплекс базавий терапия, дифференциаллашган оғриққа қарши терапия ва қўшимча равишда алимемазин билан даволанган беморлар.

Статистик таҳлил StatTech v. 4.8.5 дастури (ишлаб чиқарувчи – ООО "Статтех", Россия) ёрдамида амалга оширилди.

Учинчи боб «**Бачадон онкологик ва гинекологик патологияси фонида дорсопатия бўлган беморларнинг клиник хусусиятлари**» бачадон онкологик патологияси фонида дорсопатия бўлган беморларнинг клиник-неврологик кўрсаткичлари гинекологик патологияси бўлган беморлар ва контроль гуруҳи билан таққосланади.

Жами 167 нафар аёл текширилди, уларда бел-умуртқаси, тос ва чанок соҳасида турли даражадаги оғриқ синдроми кузатилди. Улар асосий гуруҳ (n=56), таққослаш гуруҳи (n=71) ва контроль гуруҳи (n=40) га бўлинди.

Шикоятлар таҳлилида (1-жадвал): оғриқнинг оёқларга 47 (28,1%), оралик соҳасига тарқалиши 29 (17,4%), ҳамда умуртқа қийшайишлари туфайли бемор қақдини бузилиши 74 (44,3%); бел-умуртқа соҳасида ҳаракат чекланиши - 44 (26,3%) беморда аниқланди. 42 (25,1%) ҳолатларда L4–S1 сегментларининг илдизчалари вазифалари бузилишига хос клиник симптомлар кузатилди.

Бачадон онкологик касалликлари бўлган аёлларда мушак-тонус синдроми кўпроқ учраган бўлиб, оғриқ асосан диффуз хусусиятда бўлганлиги аниқланди, камдан-кам ҳолатларда эса, оғриқли - илдизчали белгилар ва тортишиш симптомлари кузатилди, шу билан бирга, оёқларга тарқалиш асосан назорат гуруҳидаги аёлларда ишончли даражада юқори бўлса, онкогинекологик касалликлар гуруҳидаги аёлларда оралик соҳасига тарқалиш кўпроқ кузатилган. Онкологик касалликка чалинган аёлларда ўртача давомийлик энг юқори бўлган (ўртача $22,9 \pm 8,9$ ой), назорат гуруҳидаги беморларда эса энг паст - $16,3 \pm 8,4$ ой кўрсаткич кузатилган.

47,9% беморлар орасида энгил даражадаги оғриқ устунлик қилган бўлиб, бунда у 1 дан 4 баллгача бўлган. Ўртача ва кучли оғриқ мос равишда 28,7% ва 21,0% ҳолларда кузатилган. Шунингдек, 4 нафар беморда тоқат қилиб бўлмас оғриқ хуружлари қайд этилган ва уларнинг барчаси онкологик касалликка чалинган гуруҳга мансуб бўлган.

Онкологик патологияси бўлган аёлларда (2-жадвал): оғриқнинг акс этиши 41,1% ҳолатларда юқорилиги кузатилган бўлса, гинекологик патологияси бўлган гуруҳда ва назорат гуруҳида бу кўрсаткич ўртача аксланишга эга бўлди ва мутаносиб равишда 47,9% ва 37,5% ни ташкил этди. Бошқа томондан, асосий гуруҳдаги аёлларда кучли оғриқ устунлик қилган (30,4%), қолган гуруҳларда эса бу рақам 15-17% атрофида бўлган.

1-жадвал

Оғриқ синдромининг умумий тавсифи

Кўрсаткичлар	Беморлар гуруҳи			p
	Асосий	Таққослаш	Назорат	
Оғриқнинг оёққа тарқалиши	14 (29,8)	9 (19,1)	24 (51,1)	<0,001
Оғриқнинг оралиқ соҳасига тарқалиши	12 (41,4)	11 (37,9)	6 (20,7)	0,615
Мушак-тонус синдрому	38 (40,9)	31 (33,3)	24 (25,8)	0,020
Бошқа мушакларга тарқалиши	16 (64,0)	6 (24,0)	3 (12,0)	0,002
Умуртқа деформацияси	30 (40,5)	23 (31,1)	21 (28,4)	0,028
Ҳаракат чекланиши	17 (38,6)	16 (36,4)	11 (25,0)	0,600
Умуртқа илдиз симптоматикаси	13 (31,0)	8 (19,0)	21 (50,0)	<0,001
Тортишиш симптомлари	10 (30,3)	7 (21,2)	16 (48,5)	<0,001

* – кўрсаткичлардаги фарқлар статистик аҳамиятга эга (p<0,05)

Шундай қилиб, бачадоннинг онкологик касаллигига чалинган беморлар нафақат оғриқ синдромининг узок давом этиши, балки унинг субъектив интенсивлигининг юқорилигини ҳам кўрсатади, бу эса психоэмоционал ҳолат ва вегетатив реактивликни кўшимча ўрганишни талаб қилади.

2-жадвал

ВАШ (визуал аналог шкаласи) натижаси бўйича ўрганилган гуруҳлардаги солиштирма таҳлил


Категориялар	ВАШ			p
	M ± SD	95% ДИ	n	
Асосий	5,3 ± 2,2	4,7 – 5,9	56	0,012 p = 0,009 [^]
Таққослаш	4,3 ± 1,9	3,8 – 4,7	71	
Назорат	4,6 ± 1,7	4,1 – 5,1	40	

[^] – асосий ва қиёсий гуруҳлари ўртасидаги кўрсаткичлардаги фарқлар статистик аҳамиятга эга (p<0,05)

Спилбергер-Ханин шкаласи бўйича хавотирлик даражаси баҳоланганда, шахсий хавотирлик даражаси беморлар орасида сезиларли даражада фарқ қилмаган ва онкологик ва гинекологик касалликлар бўлган гуруҳларда бироз юқори бўлган.

Шу билан бирга, (2-расм) текширилган беморларда ушбу кўрсаткич ўртача 40,7 ± 12,6 баллни ташкил этган бўлиб, ўртача (45,5%) ва юқори (31,7%) шахсий хавотирлик даражаси кўрсаткичлари устунлик қилган, енгил хавотирлик эса аёлларнинг атиги 22,8%ида кузатилган. Бачадоннинг онкологик касалликларига чалинган аёллар бошқа гуруҳларга нисбатан

юқорирак шахсий хавотирлик даражасига эга (66,1% беморларда юқори хавотирлик), бу касалликнинг оғир табиати, прогнознинг ноаниқлиги ва онкологик жараёнлар билан боғлиқ эмотционал муаммолар билан изоҳланади. Қиёсий гуруҳда ўртача хавотирлик (64,8%) кўпроқ устунлик қилган. Реактив (вазиятий) хавотирлик баҳоланганида, аёлларда ўртача кўрсаткич юқорирак бўлиб, $46,4 \pm 11,9$ баллни ташкил этган, асосан ўртача (44,9%) ва юқори (46,1%) вазиятий хавотирлик даражалари кузатилган.



2-расм. Шахсий ва вазиятий хавотирликни баҳолаш

Бачадоннинг онкологик касалликларига дуч келган асосий гуруҳ беморлари юқори вазиятий хавотирликнинг энг кўп тарқалиши билан ажралиб туради, бу нафақат оғриқ синдромига, балки умуман онкологик жараёнга кучли эмотционал жавобни акс эттиради. Бачадоннинг гинекологик касалликлари бўлган қиёсий гуруҳда ўртача ва юқори вазиятий хавотирлик тахминан тенг (мутаносиб равишда 49,3% ва 39,4%) кузатилган, назорат гуруҳи эса кўпроқ ўртача вазиятий хавотирлик даражаларини намоён этган.

Депрессив бузилишнинг ифодаланганлик даражаси баҳоланганида, назорат гуруҳи беморларида депрессия аломатлари фақат тўртдан бир қисмида аниқланган, ўртача балл эса $7,1 \pm 4,7$ ни ташкил этган, бу умуман нормал даражага мос келади.


Энг юқори даража (3-расм) асосий гуруҳда қайд этилди – $21,2 \pm 8,8$ балл, бу кўрсаткич гинекологик патология гуруҳи билан солиштирганда – $12,9 \pm 6,9$ балл ($p < 0,001$) ва назорат гуруҳи билан – $7,1 \pm 4,7$ балл ($p < 0,001$) нисбатан ишончли даражада юқори эди.

Олинган маълумотлар онкологик ва гинекологик патологиялар билан бирга дорсопатиялар мавжуд беморларда психоэмотционал бузилишларнинг ноўринлигини кўрсатади.

Бачадоннинг онкологик патологиясига эга аёлларда астениянинг алоҳида кўринишлари, яъни психик фаолликнинг пасайиши, мотивациянинг камайиши, психик астения хавотирлик ва депрессив бузилишлар даражаси билан боғлиқлиги хос эди.

Вегетатив нерв системасининг функционал ҳолати таҳлили гуруҳлар ўртасидаги ишончли фарқларни аниқлади, бу фарқлар бачадоннинг онкологик касалликларига эга беморларда энг кўп намоён бўлди. Уларнинг атиги 21,4% да вегетатив мутаносиблик сақланиб қолди, бу қиёсий гуруҳ ва назорат гуруҳидаги аёлларга нисбатан сезиларли даражада паст бўлди. Асосий гуруҳ беморларида симпатикотония (48,2%) ва ваготония (30,4%)

кўпроқ учради, бу эса адаптив регуляция механизмларининг бузилишини акс эттиради. Асосий гуруҳда Вейн шкаласи бўйича ўртача балл $35,2 \pm 7,8$ ни ташкил қилди, бу эса ифода этилган вегетатив дисфункцияга мос келади - 80,4%.



3-расм. Гуруҳлар бўйича депрессив бузилишларни баҳолаш

Таққослаш гуруҳида бу кўрсаткич ўртача бузилиш даражасида бўлиб, $23,8 \pm 6,6$ (59,2%) ни ташкил этди, бироқ у ҳам аҳамиятли ҳисобланади. Олинган натижалар вегетатив бузилишлар тизимли хусусиятга эга эканлигини, улар сурункали стресс, хавотир ва оғриқ синдроми шароитида шаклланишини кўрсатади. Бироқ, асосий гуруҳ беморларида оғриқ интенсивлиги билан вегетатив дисфункция даражаси ўртасида ишончли боғланиш кузатилмагани, бузилишлар фақат оғриқ билан эмас, балки асосий касаллик ва унинг давоси билан боғлиқ мураккаб патогенезга эга эканлигини кўрсатади.

Уйқу бузилишлари таҳлили тадқиқот гуруҳлари ўртасида сезиларли фарқлар мавжудлигини аниқлади; бунда бачадон онкологик патологиясига эга аёлларда энг оғир уйқу бузилишлари кузатилди. Энг кенг тарқалган шикоят — уйқуга кетишнинг қийинлиги (66,1%) бўлиб, бу симптомнинг такрорланиши назорат ва таққослаш гуруҳларига нисбатан анча юқори эди. Асосий гуруҳ беморлари тинчлантирувчи дори воситаларини кўпроқ ишлатган ва тунги уйғонишлардан кўп азият чеккан, бу эса уйқунинг бўлиниши ва вегетатив нерв тизимининг фаоллашувини акс эттиради. Уларда уйқу давомийлиги анча қисқа бўлиб, ўртача $5,39 \pm 1,68$ соатни ташкил этган, шунингдек, учдан бир қисми 5 соатдан кам ухлаган. Фақат 10,7% беморлар 7 соатдан ортиқ ухлаган бўлиб, бу кўрсаткич бошқа гуруҳлардан кескин фарқ қилган. Бу бузилишлар ҳаддан ташқари хавотир, оғриқ ҳиссиётининг кучайиши ва депрессив симптомлар билан биргаликда юз беради, бу эса уйқунинг ҳам сифат, ҳам миқдор жиҳатидан жиддий бузилганлигини кўрсатади.

Беморларнинг ҳаёт сифатини баҳолаш SF-36 стандарт сўровномаси орқали ўтказилди. Умуман олганда, дорсопатияга чалинган аёлларда ҳаёт сифати пасайиши ўртача даражада бўлган. Энг паст кўрсаткичлар оғриқ ва жисмоний фаоллик шкалаларида қайд этилган, энг юқори баллар эса ҳаётий фаоллик бўйича кузатилган.

SF-36 шкаласи бўйича баҳолаш бачадон онкологияси фонидаги дорсопатияли беморларда барча кўрсаткичларнинг жиддий пасайганини

кўрсатди, бу эса фақат жисмоний эмас, балки рухий-эмоционал ҳолатдаги тизимли дезадаптацияни ҳам акс эттиради. Энг аниқ ўзгаришлар жисмоний фаоллик шкаласида ($60,0 \pm 13,5$) ва жисмоний фаоллик шкаласида ($51,2 \pm 17,2$) қайд этилган, бу кундалик ва иш фаолиятида жиддий чекловлар мавжудлигини кўрсатади.

Оғриқнинг ҳаёт сифатига таъсири (3-жадвал): асосий гуруҳда энг ёмон ($50,8 \pm 13,1$) кўрсаткични намоён қилди. Умумий соғлиқ ҳолати ва ҳаётини фаоллик даражаси мос равишда 57,1 ва 59,2 баллни ташкил этди, бу эса астения ва сурункали чарчоқ белгиларини кўрсатади. Бундан ташқари, ижтимоий фаолиятдаги бузилишлар ($57,5 \pm 13,0$), эмоционал фаолиятнинг аҳамияти шкаласи ($54,9 \pm 18,7$) ва рухий саломатлик кўрсаткичлари ҳам жиддий равишда бузилган бўлиб, ижтимоий яққалик, хавотир, кайфиятнинг тушиши ва ҳиссий чарчоқ билан намоён бўлди.

3-жадвал

Бемор аёлларда гуруҳга қараб ҳаёт сифати бўйича ўртача кўрсаткичлар

Кўрсаткичлар	Категории	М ± SD	р
Жисмоний фаолият	Асосий	$60,0 \pm 13,5$	$p < 0,001^*$
	Таққослаш	$67,2 \pm 14,0$	$p = 0,022 \sim$
	Назорат	$74,4 \pm 13,0$	$p = 0,010^\wedge$
Жисмоний ҳолатга асосланган фаолият роли	Асосий	$51,2 \pm 17,2$	$p < 0,001^*$
	Таққослаш	$64,6 \pm 17,7$	$p < 0,001 \sim$
	Назорат	$77,5 \pm 14,5$	$p < 0,001^\wedge$
Оғриқ шкаласи	Асосий	$50,8 \pm 13,1$	$p < 0,001^*$
	Таққослаш	$66,3 \pm 12,5$	$p < 0,001^\wedge$
	Назорат	$69,1 \pm 11,1$	
Умумий соғлиқ ҳолати	Асосий	$57,1 \pm 17,0$	$p < 0,001^*$
	Таққослаш	$71,5 \pm 15,8$	$p = 0,013 \sim$
	Назорат	$80,2 \pm 11,6$	$p < 0,001^\wedge$
Ҳаётини фаоллик	Асосий	$59,2 \pm 11,1$	$p < 0,001^*$
	Таққослаш	$71,6 \pm 14,4$	$p < 0,001 \sim$
	Назорат	$81,1 \pm 10,9$	$p < 0,001^\wedge$
Ижтимоий фаолият	Асосий	$57,5 \pm 13,0$	$p < 0,001^*$
	Таққослаш	$67,0 \pm 14,2$	$p = 0,003 \sim$
	Назорат	$76,0 \pm 13,5$	$p < 0,001^\wedge$
Эмоционал ҳолатга асосланган фаолият роли	Асосий	$54,9 \pm 18,7$	$p = 0,013^\wedge$
	Таққослаш	$64,1 \pm 16,4$	$p < 0,001^*$
	Назорат	$80,6 \pm 11,6$	$p < 0,001 \sim$
Рухий саломатлик	Асосий	$63,9 \pm 17,5$	$p < 0,001^*$
	Таққослаш	$72,1 \pm 16,6$	$p = 0,020^\wedge$
	Назорат	$78,8 \pm 12,9$	

Изоҳ: * – асосий ва назорат гуруҳлари ўртасидаги кўрсаткичлардаги фарқлар статистик аҳамиятга эга ($p < 0,05$); $^\wedge$ – асосий ва қиёсий гуруҳлари ўртасидаги кўрсаткичлардаги фарқлар статистик аҳамиятга эга ($p < 0,05$); \sim – қиёсий ва назорат гуруҳлари ўртасидаги кўрсаткичлардаги фарқлар статистик аҳамиятга эга ($p < 0,05$)

Олинган маълумотлар шу хулосани чиқаришга имконият берадики, оғриқ ҳар икки гуруҳдаги беморларнинг ҳаёт сифатига салбий таъсир

кўрсатади, фақат жисмоний фаоллик, фаолият қобилияти, кайфият, ўзини баҳолаш, келажак ҳақидаги фикрлар билан чекланмай, балки бошқалар билан муносабатлар тизимига ҳам таъсир этади. Бу эса психоэмоционал ва функционал кўллаб-қувватлаш чораларини комплекс терапевтик дастурга киритиш зарурлигини кўрсатади.

Барча беморларда нейровизуализация усуллари (МРТ ва КТ, спондилография) ёрдамида, структур ўзгаришларни ўрганиш мақсадида, бел ва бел-думғаза бўғимлари радиологик текширувдан ўтказилди.

Бел ва бел-думғаза бўғимлари радиологик текшируви барча беморларда ўзига хос морфофункционал ўзгаришларни аниқлади ва ҳар бир гуруҳда дегенератив бузилишларнинг ифодаланганлик даражасини баҳолаш имконини берди. Умуртқа поғонасининг нормал тузилиши онкологик патологияга эга аёлларда кўпроқ қайд этилди (23,3%), қиёслаш гуруҳи ва назорат гуруҳида эса бу кўрсаткич мос равишда 15,0% ва 10,0% ни ташкил қилди. Шу билан бирга, энг ифодали морфологик ўзгаришлар назорат гуруҳида қайд этилди: умуртқалар аро диск протрузиялари 80,0% беморларда аниқланди, чурралар - 45,0% да. Бошқа гуруҳларда бу ўзгаришлар анча камроқ учради, бу эса гинекологик ва онкологик касалликларга эга беморларда дорсопатиянинг клиник суратида морфологик бузилишлар иккалада ҳам иккинчи даражали аҳамиятга эга эканлигини кўрсатади. Уларда асосан висцеросоматик таъсир ва стресс омиллари билан боғлиқ функционал-рефлектор механизмлар устунлик қилганини кўрсатади. Равоқўсиқли бўғимлар остеоартрози эса энг кўп учрайдиган дегенератив бузилиш бўлиб, барча гуруҳларда таққосланарли жиҳатдан 70–80% даражада кузатилди, бу унинг дорсопатия патогенезида умумий ўрин тутишига ишора қилади, бошқа соматик ёки онкологик касалликлардан фарқли равишда.

Модик таснифи бўйича умуртқа таналарининг якуний пластинкалари ҳолатининг қўшимча баҳолаши тахминан 89–90% ҳолатларда ўзгаришларни аниқлади, улар энг кўп назорат гуруҳида учраши кузатилди. Онкологик анамнези бўлмаган беморларда Модик тип 1, яъни оғриқли яллиғланиш жараёни устун келган бўлса, онкологик патологияга эга аёлларда кўпроқ Модик тип 2, яъни суяк кўмиги ёғланишининг ўзгариши аниқланган. Бу маълумотлар назорат гуруҳида бўйинча, протрузиялар, чурралар ва туғма пластинкаларнинг ўзгаришлари морфологик жиҳатдан энг ифодали эканлигини тасдиқлайди. Шу билан бирга, онкологияга эга беморларда анатомик бузилиш даражаси камроқ бўлишига қарамасдан, клиник-фаолият кўрсаткичлари оғирроқ бўлиб, бу қўшимча патогенетик механизмлар - психоэмоционал, вегетатив ва висцеросоматик таъсирларнинг иштирокини кўрсатади.

Гинекологик ва онкологик касалликларга эга беморларнинг комплекс клиник-неврологик текшируви (4-жадвал): спондилоген неврологик бузилишларнинг юқори учрашини аниқлади, улар кучли оғриқ синдроми билан бирга бўлган. Оғриқ синдромлари уч асосий клиник шаклга бўлинади: чекланган дорсопатия, миофасциал оғриқ синдроми ва илдизчали синдром. Бу бўлиниш оғриқ синдромининг хусусиятини аниқроқ баҳолаш ва

патогенетик механизмлар асосида энг мақбул даволаш тактикасини белгилаш имконини беради. Чекланган шаклида оғриқ маҳаллий, тўмтоқ ва неврологик симптомларсиз бўлиб, нейровизуализация маълумотларида минимал ўзгаришлар кузатилади.

4-жадвал

Текширилган бемор аёллардаги дорсопатия клиник шакллари

Категориялар	Беморлар гуруҳи			p
	Асосий	Таққослаш	Назорат	
Чегараланган дорсопатия	20 (35,7)	37 (52,1)	10 (25,0)	< 0,001 p < 0,001* p < 0,001
Миофасциал синдром	27 (48,2)	25 (35,2)	8 (20,0)	
Илдизча синдроми	9 (16,1)	9 (12,7)	22 (55,0)	

Изоҳ: * – асосий ва назорат гуруҳлари ўртасидаги кўрсаткичлардаги фарқлар статистик ахамиятга эга (p<0,05); ~ – қиёсий ва назорат гуруҳлари ўртасидаги кўрсаткичлардаги фарқлар статистик ахамиятга эга (p<0,05)

Миофасциал оғриқ синдромида оғриқ доимий, тарқалган, триггер нуқталар мавжуд ва мушак тонуси ошган бўлади, неврологик бузилишлар йўқ, нейровизуализация эса кам маълумот беради. Қўрлиқ синдроми нерв илдизларининг босилиши билан боғлиқ бўлиб, территориал оғриқ, сенсомотор дефицит ва кучли тортиш симптомлари билан намоён бўлади. Бу ҳолларда нейровизуализация сезиларли морфологик ўзгаришларни аниқлайди. Клиник формалар тақсимоти гуруҳлар орасида статистик жиҳатдан фарқ қилади ($\chi^2=31,602$; p<0,001), бу ёндош соматик патологиянинг оғриқ тури ва турли механизмлар фаоллигига таъсирини тасдиқлайди.

